

# Калий хлорати ишлаб чиқариш учун саноат-тажриба ускуна яратилди

// 15 oktabr 2015 йил

<https://special.uzkemyosanoat.uz/uz/press/news/kaliy-hlorati-ishlab-chiqarish-uchun-sanoat-tazhriba-uskuna-yaratildi>

“Навоийазот” АЖда калий хлорати (Бертолет тузи) ишлаб чиқариш учун саноат-тажриба ускуна яратилди. Бу модда гугурт ишлаб чиқаришда, лак-бўёқ, фармацевтика, ёғоч ва кимё саноатида ишлатилади. Маҳсулотнинг тажриба партияси ишлаб чиқарилиб, «ATLAST INVEST» ҳамда «Nurafshon yulduz yog'dusi» МЧЖларга синовдан муваффақиятли ўtkазилди. Шу кунларда корхона ойига 40 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича буюртма олди.